

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:

Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

З.Пардаева	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели	94
Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари	103
Х.Шарафиддинов	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси	106
Г.Муҳаммаджонова	
Ижод психологизмининг бадиий талқини	110
Я.Нишанов	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
А.Маҳмудов	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли	119

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати	124
С.Мўминов, А.Юлдашев	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
М.Зокиров, Ф.Исомиддинов	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида	134
Н.Умарова, О.Холматова	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида	139
Г.Розиқова, М.Қурбонова	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
Х.Сотвалдиева	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	147
Ш.Кахарова	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари	151
Р.Абдуллаева	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари	155
Г.Мамаджанова	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари	159

ПЕДАГОГИКА

Т.Эгамбердиева	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини	164
Х.Ибраимов, К.Тоджибаева	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
Н.Валиева	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
М.Расулов	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни	182
Ф.Каримова	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси	186

ОЛМОН АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ШАРҚ МАВЗУСИ ВА УНИНГ ЭСТЕТИК РОЛИ
ВОСТОЧНАЯ ТЕМА В НЕМЕЦКОМ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ И ЕЁ ЭСТЕТИЧЕСКАЯ РОЛЬ
ORIENTAL THEME IN GERMAN LITERARY CRITICISM AND ITS ESTHETIC ROLE

Алишер Маҳмудов¹

¹Алишер Маҳмудов

– Қарши давлат университети филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада XVIII аср Ғарбий Европа, хусусан олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва шарқона анъаналар ёритилган. Шу билан бирга Олмон шарқшуносларининг Шарқ поэзияси ва Шарқ мифологияси билан қизиқиши олмон адабиётининг тараққиётига таъсир этгани тилга олинади. Олмон адиблари халқлар ўртасида тажриба алмашиш ва шарқона шеърятни тушуниш учун асос сифатида Шарқ поэзиясига эътибор қаратган. Олмон адабиётидаги гуманизм ва толерантлик ғоялари Шарққа мослаб ифодалангани ёки асарларда шарқона шахс сиймоси тасвирлангани эстетик роль ўйнайди.

Аннотация

Статья посвящена теме Востока и восточных традиций в западноевропейском литературоведении XVIII века, в частности немецкой. В то же время отмечается, что интерес немецких востоковедов к восточной поэзии и восточной мифологии повлиял на развитие немецкой литературы. Немецкие писатели сосредоточились на восточной поэзии как на основе обмена опытом между народами и пониманием восточной поэзии. То, что идеи гуманизма и толерантности в немецкой литературе выражены в восточном стиле или в произведениях изображен образ восточного человека, играет эстетическую роль.

Annotation

The article deals with the theme of the East and oriental traditions in eighteenth-century Western European literature, especially German literature. At the same time, it is said that the interest of German orientalists in Oriental poetry and Oriental mythology influenced on the development of German literature. German writers focused on Eastern poetry as a basis for the exchange of experiences between peoples and the understanding of oriental poetry. The fact that the ideas of humanism and tolerance in German literature are expressed in an Oriental way or that the image of an Oriental person is depicted in the works plays an aesthetic role.

Таянч сўз ва иборалар: адабиётшунослик, шарқшунослик, маърифатпарварлик, толерантлик, гуманизм, араб ва форс шеърятни, шарқона мотив, шарқона анъана, вазн ва қофия.

Ключевые слова и выражения: литературоведение, востоковедение, просветительство, толерантность, гуманизм, арабская и персидская поэзия, восточные мотивы, восточные традиции, вес и рифма.

Key words and expressions: literary studies, oriental studies, enlightenment, tolerance, humanism, Arabic and Persian poetry, oriental motif, oriental tradition, weight and rhyme.

XVIII аср олмон адабиётшунослиги, эстетик назарияси ва амалиётида Шарқ мавзуси ва унинг ўрни тадқиқот ишларидан бутунлай чиқиб кетган эди. Аслида бу ёндашув маърифатпарварликнинг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади, бу концептуаллик ва воқеликни фалсафий ва илмий тасаввурига яқинлиги билан ажралиб туради. XVIII аср тадқиқот ишларида шарқона мотивга салбий баҳо бермасдан Шарқнинг эстетик ролини ошириш мақсад қилиб олинганди.

Салб юришларининг тарихий босқичлари Ғарб ва Шарқ ўртасидаги тўғридан-тўғри тўқнашув сабаб бўлиб, Европадаги Шарқ мотивини белгилаб берган. XVII аср охирига келиб Европада Шарқ қиёфасида катта ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгариш қуйидаги сабабларга асосланди. Турклар томонидан

таҳдид солиш хавфи тугади. Маърифатпарварлар томонидан библиоцентриқ дунёқарашларига чек қўйилди ва шу билан бирга Шарқ ҳақидаги эски ғоялар ва салбий қарашларга барҳам берилди. Ислом динига янгича қарашлар ва Қуръони Карим таржимасига нисбатан ижобий фикрлар орқали Шарққа бўлган муносабатлар ўзгарди. Европадаги шарқшуносларнинг Шарқ шеърятни ва Шарқ мифологияси билан танишиши Шарқ қиёфасини ўзгартириб юборди. Ҳалланд томонидан француз тилига таржима қилинган “Минг бир кеча” (1704) араб эртақлари орқали афсонавий, ажойиботларга бой Шарқ тасвиридан биринчи марта Европа адабиёт аҳли баҳраманд бўлди. Бу асарнинг француз тилидан илк марта олмон тилига таржимаси 1710 йилда вужудга келди.[1:16]

Бундан ташқари, “Авесто” асарининг ўрганилиши XVIII асрда А.Силвестре де Саци томонидан бошланган ва XIX асрда олмон тадқиқотчилари Мартин Хауг ва Фридрих Шпигель томонидан давом эттирилган.[2:17] Шундай қилиб, бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар ва таржималар, масалан, австриялик граф Ревский томонидан “Ҳофиз девони” (“Divan von Hafis”)даги 16 та ғазалнинг олмон тилига таржимаси олмон тилида сўзлашувчи европаликларда Шарқ поэзиясига қизиқишини янада орттирди.

XVIII–XIX асрларда ўз тарихий-маданий илдизлари ва намуналарини тақиқ қилишда айрим адабиётшунослар ва таржимашунослар ўз эътиборларини Шарққа қаратишди. Ҳердер, Шлегель, Ҳаммер-Пругешталль, Гёте, Ҳегель каби олимлар ўз шахсий қарашларига кўра Шарқ шеърияти ва мифологиясини чуқур ўрганишга киришдилар. Ҳердер ўзининг “Инсоният фалсафаси тарихига доир ғоялар” (“Die Ideen zur Philosophie der Geschichte der Menschheit”, 1784) асари билан Германияда Шарқ назарий муҳокамасининг энг буюк мутафаккирларидан бири ҳисобланади. Ҳердер бу асарда турли халқларнинг, жумладан, насронийларнинг маънавий маданияти ўзига хослигини кўрсатиб, унинг руҳи кўп жиҳатдан Вольтернинг “Халқларнинг одоб-ахлоқ ва маънавияти ҳақида эссе” (“Essai sur les moeurs et l'esprit des nations”, 1757) асарига мос келади. Ҳердер XVIII аср охиригача ҳукм сурган тарихни теологик тушунишга қарши курашди. Тарихни ёритишда унутилган, қатағон қилинган ва ютқазилган тарихни ҳам ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди. [3:31]

Таржимашунос олима Ровияжон Абдуллаева эса ўз тадқиқот ишида “XIX аср бошларида Германияда араб-форс маданият ахилларининг нодир намуналарини янгидан кашф этиш бошланган. Ғарб олим-у фузало, шоир-у ёзувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли форс тилида ижод қилувчилар Европага маълум бўлиб қолди. Улар ижодини ўқиб, ўргандилар”, дея фикр билдирган. [4:22] Аслида эса Ҳердер ўзининг “Инсоният фалсафаси тарихига доир ғоялар” асарининг учинчи қисмида “Шарқ илми”га (“orientalische Wissenschaft”) оид тарихий-этнологик тадқиқотлар олиб боради ва Осиёдаги айрим мамлакатлар тарихини тасвирлайди. Бундан ташқари, Ҳердер “Талқин ва тасвир: айниқса, Шарқ мамлакатлари ҳақида” (“Spruch und Bild, insbesondere bei den Morgenländern”) рисоласида иброний тили билан бир қаторда,

араб ва форс тилларида битилган шеъриятнинг хусусиятларини ўрганади.

Шарқшунос Вильям Жонснинг тадқиқотлари, Йоҳанн Георг Ҳаманнинг “Шеърият инсониятнинг она тили бўлиши керак” деган гапларига асосланган Ҳердер халқлар ўртасида тажриба алмашиш ва шарқона шеъриятни тушуниш учун асос сифатида Шарқ поэзиясига эътибор қаратмоқчи бўлган. Ҳердер катта масъулият билан европалик адабиёт аҳлига тарихий-маданий контекст, поэзия жанри талаблари асосида ҳамда шарқона руҳни форс шоири Саъдий шеърияти мисолида намоён қилади. Ҳердер ифодасида содда ва асл нусхага эҳтиром кўриниб туради. Бу каби маълумотларни XVIII аср бошида Парижда тутқунлик пайтида санскрит тилини чуқур ўрганган Фридрих Шлегел “Ҳинд тили ва донишмандлиги” (“Über die Sprache und der Weisheit der Indier”, 1808) рисоласида умумлаштирган эди.

Шлегелнинг сўзларига кўра, “инсоннинг энг қадимги қароргоҳи” бўлган Шарқ ҳақиқатга эришишнинг бошқа усуллари билан ажралиб туради. Шлегелнинг сўзларига кўра, Платон фалсафасида шарқона руҳ мавжуд бўлиб, у “илоҳий ҳақиқатни фақат хотиралардан олади ва уни рамзий ишораларда ифодалайди”, [5:92] ўрнига рационалистик ғарбона фикрлаш, ақл ва тажрибани ягона билим манбаи сифатида кўриш мумкин бўлган. “Эски ва янги адабиёт тарихи” (“Geschichte der alten und neuen Literatur”, 1812-14) маърузаларида Фридрих Шлегел юнон ва рим адабиёти билан бир қаторда Шарқ адабиёти тарихи билан ҳам шуғулланган, шунинг учун қизиқиши замонавий Шарққа эмас, балки ўтмиш даврига оид тарихий манбаларга қизиқиши ортиб борган.

Шлегелнинг қарашлари ўз замондошлари томонидан қўллаб-қувватланган. Гёте Сэр Уильям Жонс (Sir William Jones, 1746-1794), Антуан Исаак, барон Сильвестр де Саси (Antoine Isaac, Baron Silvestre de Sacy, 1758–1838) ва Йозеф Гаммерь-Пургшталь (Joseph Freiherr von Hammer, 1774–1856)нинг исломий Шарққа бағишланган тадқиқотларидан илҳомланиб, Шлегелнинг қарашларини “насроний-католикларнинг жуда кўпол эътиқоди” деб таърифлаган ва бу ҳолатни Шарқ оламига соя солмоқда, дея танқид қилган. [6:310] Гёте ўзининг “Ғарбу-Шарқ девони” (“West-östliche Divan”, 1819)да ўзи Шарқнинг бутпарастлик жиҳатларини илгари сурган. “Девон”ни яхшироқ тушуниш учун эслатма ва изоҳларда у Шарқ шеъриятини лотин ва юнон тиллари

АДАБИЁТШУНОСЛИК

билан таққослашдан огоҳлантирди ва шарқ шеъриятининг ўзгача поэтик жиҳатга эга эканлигига урғу берди: Биз Шарқ халқларининг шеърият услубини қадрлаймиз, уларга энг катта афзалликларни берамиз, лекин уларни ўзлари билан солиштиринг, уларни ўз ҳолида ҳурмат қилинг, лекин юнонлар ва римликлар поэтикаси билан асло солиштирманг. [7:174]

Ҳегелнинг сўзларига кўра, санъат, худди фалсафа ва дин каби, ўзига бўлган ишончни ривожлантириш жараёнида иштирок этади ва санъатнинг хилма-хил турлари ва жанрлари онг ривожланишининг турли босқичларини намоён қилади. Шунинг учун Шарқ шеъриятининг санъат ва интеллектуал тарихидаги ўрни тушунтирилади. Ҳегел шарқона анъаналарнинг ҳақиқийлиги масаласини юнон-классик ва христиан-ўрта аср анъаналари билан бир қаторда кўриб чиқади. Бу борада, биринчи навбатда, классика позицияси Ҳомер шеъриятини бошқа шеърият турларидан устун бўлмаган модел сифатида қўйганида пайдо бўлади. Аммо шуниси аниқки, юнон классик даври Ҳегел учун кульминацияни ифодалаган, шунинг учун унинг ривожланишининг бошқа босқичлари бўлиши керак. Унинг сўзларига кўра, дастлабки босқичлардан бири рамзий санъат бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи Миср, Эрон ва Ҳиндистон анъаналарида ётади.

Ҳаммернинг назарий қарашлари ўз даврининг Шарқ ҳақидаги мунозараларига янги туртки берди. Масалан, Уильям Жонсга асосланиб, у форс шоири Фирдавсийни Ҳомер билан қиёслаб, кўплаб мунозараларга сабаб бўлган. Унинг бошқа барча шарқ маданиятларига нисбатан форс маданиятининг устунлиги ҳақидаги баҳсли мақоласи Фридрих Шлегелнинг олмон Шарқ тадқиқотлари ҳинд фалсафасига қарши чиқди. Қолаверса, бундай таққослаш Ғарб анъаналарининг анъана қонунийлигини шубҳа остига қўйди. Унинг руҳий вориси Фридрих Рюккерт ҳам араб ва форс шеъриятини юнон тилига қиёслаган, лекин "вазн ва қофия" жиҳатидан юнонларнинг инкор қилиб бўлмайдиган даражасига урғу берган:

An sinnlicher Fülle der Griechin gleich,
doch an Empfindung wärmer,
an Kraft und Ausdruck noch einmal so reich,
und nur an Maß und an Besonnenheit ärmer.
[8:11]

Юнон аёлига ўхшаб ҳиссий тўлақон,
Гар жиловлаб турар ҳиссиётни иссиқ жон.
Куч-ғайрат ва ифодада жўшқинлик бисёр,
Лек, кўпроқ аёлга хосдир иффат, номус-ор.

(Таржима бизники – А.М.)

Бир томондан, юқорида тилга олинган назарий маълумотлар ўзга миллат маданиятларининг тан олиншига ҳамда олмон адабиёти ва маданиятининг космополит йўналишига ёрдам берди. Бошқа томондан, Шарқ оламига сеҳрлади, идеаллаштирилди ёки маънавий бирликка кўтарилди, бу, умумий Шарқ билан деярли боғлиқ эмас эди. Бу маълумотларнинг яна бир умумий томони шундаки, улар Шарқнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишда, ўз тарихига Ғарб нуқтаи назарига кўра таснифлашга бордоши етмасди. Буни маърифат ва романтизм даврида, шунингдек, тарихшунослик гуллаб-яшнаган даврда Шарқ мавзуларига турлича ёндашувларда кўриш мумкин. Шарқ ҳақидаги билимларга бўлган қизиқишнинг ортиши ва бу соҳада топилган материалларнинг кўплиги, худуднинг мустамлакачилик ривожланиши билан бирга, Европада шарқ тадқиқотларини оммалаштириш ва унинг тарихий-филологик йўналтирилган фанга айланишига олиб келди. Вена шаҳридаги "Олмон шарқ жамияти" ва "Шарқшунослик институти" каби биринчи илмий йўналтирилган тадқиқот институтлари ниҳоят XIX аср ўрталарида Германия ва Австрияда пайдо бўлган.

Франция ва Англия билан солиштирилганда, мустамлакачилик манфаатлари туфайли Шарқ билан нисбатан эрта шуғулланган, олмон адабиётида Шарқ мавзуси билан интенсив машғулот XVIII асрнинг иккинчи ярмигача мавжуд эмас эди. Бу даврда Европада "маърифатпарварликнинг ижобий томонларини Шарқ мотивларида берилган" бир қатор адабий асарлар пайдо бўлди. [9:549; 9:546-561] Афсоналар, дostonлар ва бошқа илгари номаълум шеърият турлари дастлаб шарқий ҳикоя ва афсонавий адабиётдан кўплаб мавзулар ва мотивлар Европа адабиётида кириб келди ва қайта ишланди. Ҳатто жанр тарихи нуқтаи назаридан ҳам Шарқ адабиётининг маълум таъсирларни Европа адабиётида кузатиш мумкин. Буни "Минг бир кеча" араб шеъриятдан кучли илҳомланиб, романтиклар эртак билан банд бўлишидан олдин ҳам олмон адабиётида ҳам эртакка кўпроқ эътибор қаратилган. Буни Веланд мисолида кўришимиз мумкин. [1:22-23] Виланд эртак жанри сифатида "Жиннистон" ("Dschinnistan", 1786/89) асарида ўзи бу эртаклар тўпламидаги мотивлар ва материалларни ўзлаштирди ва қайта ишлади.

"Ғазал" лирик жанр форс ва араб шеърларини ўрганиш орқали олмон тилидаги

адабий саҳнада ҳам қисқа вақт ичида мақбул бўлди. Шу нуқтаи назардан, Фридрих Рюккертнинг "Шарқ атиргуллари" ("Östliche Rosen", 1821) китоби муҳим роль ўйнади. Форс ва араб тилларига таржима қилган бу соҳадаги ишни Жозеф фон Ҳаммер форс мистик Румий шеърларини таржима қилишдан бошлади, унинг экстатик шеърляти уни жуда илҳомлантирди. Вақт ўтиши билан Рюккерт форс, араб ва ҳинд адабиётидан унга мос кўплаб адабий асарларни тавсия қилди. Аннемарие Шиммелнинг сўзларига кўра, Рюккерт Шарқ шеърлятини олмон тилига "деярли ғайритабиий усулда" таржима қилган. Унинг "Шарқий атиргуллари" – форс шоири Ҳофиз томонидан битилган жами 281 та ғазал ва тўртликнинг эркин таржимаси. Рюккертнинг аслият ва таржима асарлари шеърлятнинг шарқона ва ғарбона услубларини, шунингдек, "асл форсий мотив ифода этилган ва шаклланган тасвирлар олмон шеърлятига" бирлаштирилди. Август Жорж фон Платен ғазалларининг тарғиб қилиниши кейинчалик ёш Гюго фон Ҳофманнштаал каби бошқа шоирларни ғайриоддий услубда машқ қилишга илҳомлантирди. Гарчи орадан анча вақт ўтган бўлса-да, XX асрда Германияда ғазал тўпламлари сақланиб қолган. [9:554; 9:557]

Рюккертнинг "Шарқий атиргуллари" ва Гётенинг "Ғарбу-Шарқ девони" ва шулар қаторида ақл бовар қилмайдиган Шарқ тасвирларини шеърлий услубда етказди, чунки улар ўзга адабиёт мифологияси ва шеърляти билан интеллектуал алоқада, шунингдек, Шарқ шароитида маънавий идрок орқали яратилган. Бу турдаги интеллектуал алмашинув ўз вақтида китобхонлар томонидан муносиб эътирофга сазовор бўла олмаган ва кенгроқ китобхон оммасига кира олмаган. XIX асрдаги шарқона нашрлар таҳлилига кўра, саёҳат адабиётлари, бадий адабиёт таржималари ва "Зиёлилар учун тонгги хабар" ("Morgenblatt für gebildete Stände", 1807-1865) ва "Шарқ хазиначилари" ("Fundgruben des Orients", 1809-1820) каби журналлар олмон жамоатчилигининг эътиборини жалб қилди. Айниқса, XIX асрнинг биринчи ярмида "Китобхонларнинг шарқий минтақага бўлган қизиқишининг кескин ошишига" сабаб бўлди. [10:3]

Жаҳон адабиётининг ҳар бир даврида, романтик давр бошланишига ҳам бутун Европадаги кўплаб ижодкор ва шоирлар учун Шарқ хаёлий мақсадга, янги жаннатга элтувчи омил ҳисобланган. Муҳаббатга, ижодга, ҳикматлар ва донишмандликларга оид шеърларнинг барчасида шарқона поэзиянинг

таъсири мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин.

XIX асрда, яъни "Шарқ кашфиёти" деб номланган асрда Шарқ мамлакатларида ҳақиқий гигантга асосланган матнлар сони кўпайди. Адабий асарлардан фарқли ўлароқ, саёҳат журналлари холислик ва ҳақиқийликка даъво қилиб, хорижий давлатларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумот олишнинг афзал манбаси бўлиб, аҳолининг кўп қисми томонидан истеъмол қилинган. Бу даврдаги энг машҳур нашрлардан бири – „Шарқ мактублари“ ("Orientalischen Briefe", 1843), унда муаллиф – графиня Ида Ҳан-Ҳан (Ida Hahn-Hahn) ўз оиласига Усмонли империясининг "Аёллар дунёси"га қилган саёҳатлари ҳақида ёзган. Шарққа саёҳатлари билан графиня ўз даврининг чекланган Европага хос моделлари ва ижтимоий меъёрларини бузди. Шунинг учун уни Шарқ мамлакатларининг маърифатли кузатувчиси, деб тахмин қилиш мумкин эди, лекин унинг саёҳатлар ҳақидаги ҳисоботлари кўпол, танқидий, ғаразли ниятда бўлиб, чет элликларга юзаки қарашни ташкил қилган эди." [11:21]

XVIII аср маърифатчилик адабиётининг вакили Лессинг ижоди жаҳон адабий тафаккури тарихида ўзига хос ўринга эга. Маърифатчилик адабиёти учун Уйғониш даври замин тайёрлаб берди. Маърифатчилик адабиёти пайдо бўлгунча зоҳид авлиёларни улуғловчи, илоҳий севгини дунёвий севгидан устун қўювчи, ғаройиботларни тасвирловчи классицизм ва барокко йўналишидаги асарлар мавжуд эди. Бу оқимлар жаҳон адабиётига Лопе де Вега, Торквато Тассо, Пьер Кальдерон, Жон Милтон, Жеффри Чосер, Пьер Корнел, Жан Расин, Мольер, Бомарше каби буюк ижодкорларни берди. Маърифатчилик адабиётига уч адабий оқим асос бўлди: 1) Ғарб Уйғониш даврининг гуманистик реализми; 2) антик маданиятга эргашувчи классицизм; 3) мухташам готик қасрларни эслатувчи, мўъжизалар ва ажойиботларга бой барокко. Бу адабий оқимлар уч хил усулни вужудга келтирди. Кейинроқ бу ижодий усуллардан Гёте, Клинггер, Шиллер, Лессинг, Байрон, Гюго, Бальзак, Флобер ҳам фойдаланди. [12:48]

Маърифатпарварлик, шу жумладан Лессинг, ақлни ривожлантириш, тажрибани кенгайтириш ва мантиқий фикрлаш билан шуғулланишни йўлга қўйиш демакдир. Олмон маърифатпарварлиги тарғиботчиси Лессинг билан, маърифат тамойили - инсон онгини ўстиришга қаратилган. Шундай қилиб, "маърифат" исломий мамлакатлар тарихи ва

АДАБИЁТШУНОСЛИК

маданиятига қизиқиш ортидан пайдо бўлди мазмундаги қарашлар ҳам мавжуд эди. Бунда Ислом дини ва маданияти Ўрта асрларда Европада тарбия ўчоғи саналган. Ўша даврда “Муҳаммад (а.с.) соф динни янгилади”, “пайғамбар Иброҳим тугатилган” деб даъво қилинган. “Насронийлик ва ислом дини ўртасидаги зиддиятли муносабатлар” асрлар давомида “таҳдидлар ва қуролли тўқнашувлар” туфайли шаклланган. Бунда жамоатчилик муҳим роль ўйнади. Маърифатпарварлик адабиётнинг илк кўриниши – бу, умумий жараён бўлиб, унда файласуфлар ва ёзувчилар инсонни умумий таълим олиш мақсадида қатнашганлар. Улар ойлик ва ҳафталик журналларда Европа жамиятининг асосий муаммоларини очиқчасига муҳокама қилишга ҳаракат қилишди.

Хулоса қилиб айтганимизда, мазкур мақоламизда XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги олмон адабиётшунослигида Шарқ мотивлари акс этган матнларни тадқиқ қилиш, биринчи навбатда, шарқона мавзуларга оид ёки Шарқ воқелигини акс эттирувчи турли хил интеллектуал, диний, индивидуал, психологик,

биографик талаблар ва тасвирларни ўз ичига олган. Баъзи ҳолларда, ҳатто шарқона поэтиканинг пайдо бўлиш сиёсий омили ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Готтхольд Эфраим Лессингнинг “Донишманд Натан” драмасида инсонпарварлик ва диний бағрикенглик ғоялари Шарққа мослаб ифодалангани ёки Кристоф Мартин Виланднинг “Олтин кўзгу” асаридаги ҳукмдорнинг идеал қиёфаси шарқона шахс сиймосида тасвирланганида бу яққол кўриниб турибди. Маърифатпарварлик ғояларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар икки муаллиф ҳам ўша давр ижтимоий тузумини билвосита танқид қилишади. Шарқнинг географик жиҳатдан узоқлиги, деспотизм ва муросасизлик ўша пайтдаги давр муҳитини эътиборга олмасдан танқид қилиш имконини берарди. Лессинг ва Виланднинг динга танқидий қарашлари жамланган асарлари нашр этилишига цензура тўсқинлик қиларди. Демак, агар кимдир Шарқ мотиви ва тасвирлари ифода этилган асарлар контекстига эътибор қаратса, ўзга маданият ва тарихини нисбатан тушуниш ва англашга имкон туғилади.

Адабиётлар:

1. Köhler, W.: *Hugo von Hofmannsthal und Tausendundeine Nacht*. Frankfurt/M: Peter Lang 1972. S.16.
2. Рypka, J.: *Iranische Literaturgeschichte*. Leipzig: H. Wiederoth 1959.
3. Herder, J. G.: „Ideen zur Philosophie der Geschichte der Menschheit“. In: Bollacher, M.: *Werke*. Bd. 6, Frankfurt/M.: Deutscher Klassiker Verlag 1989.
4. Абдуллаева Р. Немис-ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ва илмий асослари (адабий алоқа, таржима ва таъсир масалалари). Филология фанлари доктори диссертацияси. Тошкент. 2021.
5. Schlegel, F.: *Kritische Ausgabe*. Bd. II, hrsg. von Ernst Behler, Paderborn; München; Wien: Verlag f. Schöningh 1961.
6. Gethmann-Seifert, A./Stemmerich-Köhler, B.: „Von Hammer, Goethe und Hegel über Firdusi“. In: *Hegel-Studien*. Beiheft 27, Bonn: Bouvier Verlag H.Grundmann 1986.
7. Goethe, J. W.: *West-östlicher Divan*. Frankfurt/M.: Insel Taschenbuchverlag 1974.
8. Rückert, F.: *Werke*. Bd. 2, 1. Auflage, hrsg. von Annemarie Schimmel. Frankfurt/M.: Insel Taschenbuchverlag 1988.
9. Schimmel, A.: „Orientalische Einflüsse auf die deutsche Literatur“. In: See, K. v. (Hrsg.): *Neues Handbuch der Literaturwissenschaft*. Bd. 5: *Orientalisches Mittelalter*. Wiebelsheim: AULA Verlag GmbH.
10. Ammann, L.: *Östliche Spiegel*. Hildesheim: Georg Olms AG 1989.
11. Hahn-Hahn, I.: *Orientalische Briefe*. Wien: Promedia 1991.
12. Маҳкамов М; Маҳмудов А. Лессинг ва Ҳердер. “Шарқ юлдузи” журнали. 2016 йил, 3-сон.

(Тақризчи: А.Қосимов – филология фанлари доктори, профессор)